

Аз-Зайтуна университети ҳақида эшитганмисиз?



15:00 / 30.12.2021 2027

Зайтуна университети жаҳондаги ҳозирга қадар фаолият кўрсатаётган энг қадимги ўқув даргоҳларидан биридир. Ушбу илм даргоҳи ҳам Мисрнинг Ал-Азҳар, Марокашнинг Фес шаҳридаги Ал-Қаровийин университетлари каби минг йиллик тарихни ўз бағрида жо айлаган маданият, илм-фан ва цивилизация марказларидан бири эканини бутун дунё тан олган.

Ушбу исломий билимлар маркази масжид қошидаги мадраса сифатида 732 йилда ўз эшиklarини очган. Унинг фаолият даври Африка қитъасининг шимолий ҳудудларига Ислом динининг тарқалишининг илк саналарига тўғри келади. Жуда тез фурсатда мадраса машҳур бўлиб кетди ва мусулмон дунёсининг маънавий марказларидан бирига айланди.

Ушбу таълим даргоҳи тўлақонли университет сифатида 1956 йилда расман эълон қилинди. Айнан ўша йилда Тунис давлати француз мустамлакасидан қутулиб, ўз мустақиллигига эга бўлган эди.

2012 йилда олий илм даргоҳининг мустақил ташкилот тарзида қайта тикланиши амалга оширилди. Бугунги кунда «Аз-Зайтуна» тизими олий илоҳиёт- теология институти, олий Ислом цивилизацияси институти, илмий –тадқиқот институти ҳамда Қайрувон ислом тадқиқотлари марказидан иборатдир.

У ерда учта ўқув факультети мавжуд:

-Ислом цивилизацияси ва ислом изланишлари факультети;

-Ислом ҳуқуқшунослиги факультети;

-Илоҳиёт факультети.

Ушбу Олий илоҳиёт институтида 1200 та талаба бакалавр, магистратура ва докторантура бўлимларида таҳсил олишади. Уларга 90 ортиқ ўқитувчи-устозлар таълим беришади. Бундан ташқари, 350 та аспирант Олий ислом цивилизацияси институтида билим олишади. У ерда ислом тадқиқотлари соҳасидаги изланишлар учун биринчи ва иккинчи даражали миллий дипломлар тақдим этилади.

Зайтуна университетиде яна улкан кутубхона ҳам мавжуд бўлиб, у Африкадаги энг йирик кутубхоналардан бири ҳисобланади. У ерда минглаб нусхада грамматика, мантиқ, арифметика, геометрия ва минералогияга оид беназир қўлёзмалар, асарлар сақланади.

Университет очик таълим даргоҳи бўлиб, у ерда Тунис фуқаролари билан бир қаторда хорижлик талабалар ҳам ўқишлари мумкин. Ушбу муассасанинг энг таниқли битирувчиси тарихчи, жамиятшунослик фанининг “отаси” ҳисобланмиш Ибн Халдун бўлади. Шунингдек, бу ерда ёзувчи Тоҳир Хаддод, қомусий олим Аҳмаб ибн Абу Бакр Тифошийлар ҳам таҳсил олишган.

Бобур Аҳмад тайёрлади.